Келажакда шундай амирлар бўладики, уларнинг (ишларини) маъруф ва мункар деб кўрасизлар. Шунда ким (мункарни) ёмон кўрса (гуноҳдан) тоза бўлади, ким (мункарни) инкор қилса (азобдан) саломат бўлади, аммо ким рози бўлса ва эргашса (гуноҳкор бўлади)

Мўминларнинг онаси Умму Салама разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Келажакда шундай амирлар бўладики, уларнинг (ишларини) маъруф ва мункар деб кўрасизлар. Шунда ким (мункарни) ёмон кўрса (гуноҳдан) тоза бўлади, ким (мункарни) инкор қилса (азобдан) саломат бўлади, аммо ким рози бўлса ва эргашса (гуноҳкор бўлади)». Саҳобалар: «Уларга қарши урушсак бўладими?» деб сўрашди. Шунда «Йўқ, модомики намозни қоим қилсалар», деб жавоб бердилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Ушбу ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг устимизга шундай амирлар келишини, уларнинг баъзи амаллари шариатга тўғри келгани учун маъруф (яхши) амал ва баъзисини шариатга хилоф бўлгани учун мункар санашимизни хабар бердилар. Ким мункарни қалби билан ёмон кўрса-ю лекин инкор қилишга қудрати етмаса, гуноҳ ва нифоқдан тоза бўлибди. Ким қўли ва тили билан инкор қилишга қодир бўлса ва инкор қилса, гуноҳдан ва унга (амалга) шерик бўлишдан саломат бўлибди. Аммо ким ишларига рози бўлса ва унга эргашса ҳалок бўлади. Сўнгра: «Бундай сифатларга эга бўлган амирларга қарши урушмайликми?», – деб Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрадилар. Шунда уларни бу ишдан қайтардилар ва: «Йўқ, токи сизларнинг орангизда намозни қоим қилар эканлар», – дедилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3481